

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
жамоатчилик Кенгаши раиси

М.Мамадиярова

" _____ " июль 2023 йил

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2023 йил 24 июл

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: - М.Мамадиярова-вилоят ҳокими ўринбосари в.б.

Иштирок этганлар: - Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик
Кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

**Вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ва унинг ҳудудий
бўлимлари томонидан амалга оширилган ишлар муҳокамаси ва
истиқболдаги устувор вазифалар тўғрисида.**

(Мамадиярова, аппарат ходимлари, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари, ..., Мамадиярова)

Кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр, таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокими ўринбосари-оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғининг кун тартибидаги масалалар юзасидан ахбороти раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари раҳбари ва масъул ходимлари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари томонидан ҳафта кунлар давомида амалга оширилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Унга кўра, ҳафта кунлари давомида:

-маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари фаолияти услубий-амалий кўмак бериш ва маҳаллалардаги муаммолар билан ишлаш;

-оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда спорт тадбирлари;

-хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш;

-хотин-қизлар жинойтчилигини олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;

-оилавий ажримларни олдини олиш ва низоли оилалар билан ишлаш;

-жисмоний ва юридик шахслар ҳамда улар вакилларининг мурожаатлари билан ишлаш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш чора-тадбирлари амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгиланскинки, туман-шаҳар оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари ҳафта кунлари давомида амалга ошириладиган дастурларни барча маҳаллаларга тадбиқ этилишига масъул ҳисобланади.

3. Навоий шаҳар (Темирова), Қизилтепа тумани (Рашидова), Навбахор тумани (Эргашева), Хатирчи тумани (Рахмонова) оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарларига мазкур ҳудудларда оилавий ажрим ва низоли оилалар билан ишлаш борасидаги ишлар самарадорлиги талаб даражасида ташкил этилмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Бошқарманинг бош мутахассиси (Исроилова) беш кун муддатда 2023 йилнинг июнь ойи учун шакллантирилган ҳисоботларни таҳлили асосида оилавий ажрим ва низоли оилалар сони ошган ҳудудлар бўйича ахборот киритсин.

Танқидий таҳлил ва қайд этилган кўрсаткичлар асосида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги билан боғлиқ соҳада камчиликларга йўл қўйган ҳудуд раҳбарлари фаолияти бўйича тақдимнома лойиҳаси тайёрлансин.

Туман-шаҳар оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарларига ҳудудий ФХДЁ бўлимлари билан ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш ҳамда оилавий ажрим ва низоли оилалар билан ишлаш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича шахсий масулият юклатилсин.

4. Навоий шаҳар (Темирова), Зарафшон шаҳар (Турсунова), Конимех (Написова) туманлари оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари икки кун муддатда ҳудудларда қайд этилган тазйиқ ва зўравонликка ҳолатларини маҳаллаларда кенгайтирилган тарзда муҳокама қилиниши ташкил қилсин.

Бунда, ҳар бир муҳокама баёни ва фотоҳисоботлар вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармасига киритиб борилиши таъминлансин.

5. Бошқарма бош мутахассиси (Сайидова) тазйиқ ва зўравонлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари муҳокамасини ташкил қилишда сусткашликка йўл қўйган раҳбарлар бўйича ҳар куни ахборот киритиб борсин.

6. Навоий шаҳар (Темирова), Навбахор (Эргашева), Томди (Доспанбетова) туманлари оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари “Умид”, “Пахтақор”, “Ақтов” маҳалларидаги вакант бўлган хотин-қизлар фаоллари лавозимларига ҳужжат топширган номзодларнинг муносибларини танлаб олиш чораларини кўрсин.

Беш кун муддатда маҳаллаладаги мавжуд ваканцияларни тўлдириб, амалга оширилган ишлар бўйича расман ахборот киритсин.

7. Қизилтепа тумани (Рашидова), Кармана тумани (Жалилова) Хатирчи тумани (Рахмонова) оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг уй-жой таъмирига оид муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўрсин.

8. Бошқарманинг бўлим бошлиғи (Бозорова) бир кун муддатда 2023 йилда “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими доирасидаги вазифаларнинг ҳудудлардаги ижроси бўйича вилоят ҳокимига танқидий-таҳлилий маълумот лойиҳасини тайёрласин.

Бунда, айниқса, 1-2-тоифалардаги хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш ишларининг ҳаққонийлиги ва сифатига алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра барча ҳудудий бўлимлар бошлиқлари маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари билан ҳар (иш) куни якунида кунлик амалга оширилган ишлар ва белгиланган вазифалар ижросини муҳокама қилиб боради.

Бунда, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг ижро маданияти ва масъулиятини ошириб борилишига алоҳида эътибор қаратилади.

10. Барча туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари:

аҳоли, айниқса, хотин-қизлар томонидан қайд этилган мурожаатларни маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан оила ва хотин-қизлар кўмитасининг махсус платформаси (xotin-qizlar.uz) дастурий таъминотининг ижтимоий хизматлар (e-modul) модулига киритилишини;

ижтимоий хизматлар модулига киритилган мурожаатларни (ижтимоий хизматлар бўйича буюртмаларни) мутсадди идораларга юборилишини назорат қилсин.

11. Бошқарманинг бўлим бошлиғи (Бозорова)га жойларда хотин-қизлар фаоллари томонидан ижтимоий хизматлар бўйича шакллантирилган буюртмаларни ҳар ҳафта якуни билан назорат тартибида текшириб бориш вазифаси топширилсин.

12. Барча туман (шаҳар)лар оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган дастур ижроси бўйича маълумотларни ҳар ҳафта (чоршанба куни) бошқарманинг тегишли бўлинмасига киритиб борилишини таъминласин.

13. Бошқарманинг ташкилий назорат, таҳлил ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси барча туман (шаҳар)лар оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари билан биргаликда маҳаллаларда жисмоний ва юридик шахслар қабулини ўтказиш графикларини ишлаб чиқиб, уларга катъий тартиб ва интизом асосида амал қилинишини таъминласин.

14. Бошқарманинг бош мутхассиси (Сайидова) барча туман (шаҳар)лар оила ва хотин-қизлар бўлимлари хотин-қизлар томонидан қайд этилган жиноятчилик ҳолатларини соҳалар (иш жойи ва ҳудуди) кесимида таҳлил

қилиб, шакллантирилган маълумотлар асосида мутасадди идораларга хабарномалар юборилишини ташкил қилсин.


15. Бошқарманинг бош мутахассиси (Ғаффорова) вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар раҳбарлари учун хизмат йўриқномалари лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

Белгилансинки, бошланғич ташкилотлар раҳбарлари корхона, ташкилот ва муассасалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари ҳамда хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик сабаблари ва оқибатларини тизимли назорат ҳамда муҳокама қилиб бориши талаб этилади.

16. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази (Эрмаматова) беш кун муддатда ҳудудлардаги ижтимоий мослашув хоналари фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини яхшилаш мақсадида нодавлат-нотижорат ташкилотларини ташкил қилиш чора-тадбирларини тўлиқ якунига етказсин.

17. Ушбу йиғилиш баёни қарорининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баённомани расмийлаштирди



Ж.Атауллаев